

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА «КОМИЛЬФО» ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ УСУЛИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

М. А. Муллажанова -

Андижон давлат университети ўқитувчиси.

Мақолада таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ва ривожлантириш масаласига эътибор қаратилган. Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол ва интеллектуал салоҳиятга эга, мустақил, танқидий ва ижодий фикрловчи шахс бўлиб вояга етишиши учун зарур бўлган педагогик технологиялар қаторига кириб, муаллифнинг амалда оммаланиб бораётган "Комильфо" усулининг дарс жараёнида қўлланилиши кўрсатиб берилган.

В данной статье основное внимание уделено на вопросы результативного использования и развития новых педагогических технологий в образовательно-воспитательном процессе. Здесь подробно описано использование нового авторского метода "Комильфо", которое относится к новым видам педагогических технологий и распространяющийся в практической деятельности в воспитании гармонично развитого и интеллектуально-богатого подрастающего поколения.

The article devoted to effective using new pedagogical technologies and developing them. One of these methods – method «Comilfo» was spread among the harmonieoisli developed youth.

Таянч сўзлар: педагогик технология, "Комильфо", мустақил фикрлаш, таълим жараёни, тарбия жараёни, нотиқлик, афоризмлар, билим, малака, кўникмалар.

Ключевые слова: педагогическая технология, "Комильфо", самостоятельное мышление, процесс обучения, процесс воспитания, ораторство, афоризмы, знание, умение, навыки.

Key words: pedagogical technology, comme il phone, independent thinking, teaching process, education process, speaker, knowledge, skills, competes.

Мустақил Республикамизда таълим мазмуни ва унинг таркибини ривожлантириш, ёшларнинг билим, кўникма ва малакасини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил, танқидий ва ижодий фикрловчи шахс сифатида камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Баркамол авлод фан ва техника соҳасини мукамал ўзлаштирган, келажакда эл-юрти учун керакли шахс бўлиб етишиши даркор.

Бу вазифаларни ҳал этишда таълим даргохларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Бу ўқув даргохларида ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга тадбиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Таълим жараёни бир - бирига узвий равишда боғлиқ бўлган маънавий, маърифий, иқтисодий ва техник тараққиёт таъсирида ривожланиб боради. Ўқитувчининг вазифаси эса ана шундай жадал ривожланиш пайтида ўқувчи онгига билим, кўникма ва малакани

сифатли равишда сингдира олиш, бир вақтни ўзида, яъни чегараланган вақт мобайнида, тингловчига керакли бўлган ахборот ва маълумотларни етказа олишдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим булган педагогик интеграция ва табақалаштирилган масалаларни ҳал этиш, янги педагогик технологияларни инновацион жараён сифатида амалиётга жорий этиш ҳар бир педагог ходимнинг вазифасидир.

Маълумки, ҳозирги пайтда рус, инглиз, немис, француз тилларини ўқитишда коммуникатив, яъни сўзлашув жараёнига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай дарс жараёнида ўқувчи кўпроқ кундалик ҳаётда ишлатиладиган ибораларни ёдлаб қолади, лекин ўқувчининг фақатгина сўз бойлигини ошириш билан чегараланиб қолмасдан, балки уни эркин фикрловчи, маънавий – ахлоқий тарбияли, гўзал хулқли инсон қилиб тарбиялаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Услуб – бу ҳар бир ўқитувчининг ўз ақлу – фаросатига таянган ҳолда, педагогик фаолияти давомида мустақил равишда шаклланадиган билимлари мажмуидир.

Мен ўз дарсларимда «Комильфо» усулидан фойдаланаман. Комильфо сўзи «comme il fhone» француз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда «яхши сўз», «хушхулқлик», «шундай бўлиши керак» маъноларини беради. Бу усул биргина сўз, сўз бирикмаси, халқ мақол ва маталлари, афоризмлар, замонавий кўшиқ ва мумтоз шеърлар асосида тингловчини мустақил фикрлашга ўргатишга хизмат қилади. Шу билан бирга миллийлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бўлиб, халқ мақол ва маталларидан чет тили дарсларида фойдаланиш ёшларни ҳам маънавий – ахлоқий тарбиялашда, ҳам уларга грамматик қоидаларни тушунтиришда қўл келади. «Яхши сўз – жон озиғи» деб бекорга айтилмаган. Ширин сўз билан дунёни бошқарса бўлади. Эзгулик, эътиқод, гўзал табиат, ўзгаларга ҳурмат ва хушхулқлик ўсиб келаётган ёш авлод учун ахлоқий мезон бўлиб қолиши даркор.

«Комильфо» янги педагогик технология усулининг таркибий қисмлари қуйидагича:

Халқ оғзаки ижоди намуналари, мақол ва маталлар, замонавий кўшиқлар, мумтоз шоирлар ва ёзувчилар ижодидан намуналар, ибора – фразеологизмлар билан танишиш. Рус (инглиз, немис, француз) тилида равон сўзлашишга ўргатиш, сўз бойлигини ошириш.

100 мақолни билган одам 100 саволга жавобни мақол билан бера олади. Юқоридаги намуналарни таржима қилиш ва ўрганилаётган тилда ёдлаш.

Берилган иборани тугатинг. «Мен қарши» ёки «Мен шу фикр тарафдори», яъни намуналарга ўқувчининг ўз мустақил фикрини билдириши.

Намуналардан турмуш жараёнида, кундалик мулоқотда фойдаланиш.

«Комильфо» педагогик технология усулининг шартлари.

Биринчи усул. Ўқитувчи доскага бир сўзни ёки сўз бирикмасини ёзади. Ўқувчилар белгиланган вақт давомида (2 дақиқа) дафтарда бу сўзни изоҳлайдилар, сўзга нисбатан бўлган фикрни жамлайдилар ва натижада янги гаплар тузилади. Бунда ҳар бир ўқувчининг ўз мустақил, танқидий ва ижодий фикри шаклланади, имловий билими ошади. Тузилган гаплар бирин-кетин ўқувчилар томонидан ўқилади. Тинглаш ва талаффуз шаклланади. Энг яхши фикр жамоа томонидан қабул қилинади ва ёзиб, хулоса қилинади. ("Комильфо" сўзининг таржимаси - "шундай бўлиши керак"). Масалан: Яхши дарс ... Шарти: фикрни (гапни) тугатинг. Ўқувчиларнинг жавоблари тахминан қуйидагича: 1) ... ўқитувчига боғлиқ бўлади. 2) ... даволат яхши бўлган дарс. 3) ... яхши натижа. 4) ...техник воситалар ишлатилган дарс.

Ўқитувчи барча фикрлар ўқилгандан сўнг энг яхши фикрни доскага ёзиб қўяди ва ҳамма доимо шундай бўлиши керак деб хулоса қилади. "Яхши дарс - яхши натижа" бугунги дарснинг шиорига айланади.

Иккинчи усул. Фикрни тугатинг. Мақсад: ўқувчиларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантириш, имло қоидаларини мустаҳкамлаш, сўз ва иборалар бойлигини ошириш.

Оз – оз ўрганиб... (ўқувчи белгиланган вақт давомида ўз фикрини ёзади: масалан: ўқшига кириш қийин, бошлиқ бўлолмайсан, доно бўлолмайсан ва бошқалар).

Энг кучли душман...

Бир калла яхши...

Меҳнатнинг тағи...

Дўст ачитиб гапирар...

Инсон саҳий бўлиши мумкин, қачонки...

Энг кучли душман...

Етти ўлчаб... Белгиланган вақт ўқитувчи томонидан тугаганлиги айтилгач, ҳар бир ўқувчи ўзи тузган гапни ўқиб беради, бунда озгаки ва ёзма нутқ ривожланади. Энг яхши гап ўқувчилар томонидан танлаб олинади ва доимо шундай бўлиши керак деб хулоса қилинади. Натижа: энг яхши фикр доскага ёзиб қўйилади ва бугунги дарс шиорига айланади.

«Комильфо» усулидан чет тили дарсларида, тил хафталикларида фойдаланганда қуйидаги воситаларни қўллаш мумкин. АКТ, слайдлар, карточкалар, расмлар (масалан, иборалар тасвири – пашшадан фил ясамоқ, ўтириб қолмоқ, томи кетмоқ, кўзини бўямок, огзи қулогига, бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб ва ҳоказо)

Ушбу педагогик технология қўлланганда, натижа «тескари баҳолаш» йули билан баҳоланади. Бундай баҳолашнинг ўқувчилар билими ва ўзлаштиришига таъсири ижобий деб хисоблайман. Чунки инсон дунёга келибдики, доимо олдинда, биринчи бўлишга интилади.

Баҳолар қуйидагича.

«1» -энг фаол, мустақил, янги ва яхши фикр билдирган ўқувчи.

«2» - 60 -80 % қатнашган.

«3» - 60% дан паст (фикрлар мазмуни эътиборга олинади).

"Комильфо" якунида ўқувчилар яхши сўз ва мукофотлар билан рағбатлантирилади. Ижобий жавоблар қўллаб-қувватланади. Қарши фикрлар бўлса, хушхулқлик ва ширин сўз билан, ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда, инкор этилади ва шундай бўлиши керак деб ўқтирилади..

Юқоридаги усулни дарс жараёнида қўлланилиши натижасида эришиладиган ютуқлар.

Халқ озгаки ижодига ва бошика намуналарга ҳурмат ошади, миллий қадриятларимизни тушунувчи ва улугловчи, маънавий бой ва эркин фикрловчи шахс вояга етади.

Лугат билан ишлаш кучаяди, таржимага ва чет тилини ўрганишига қизиқиши ортади.

Фаоллик ошади, нотиқлик маҳорати шаклланади.

Грамматик қоидалар мисоллар орқали тушунтириб борилади. Қиёсий грамматикадан билимлар мустаҳкамланади.

Турли хил фикр ва дунёқарашлар шаклланади, улардан ижобийлари ўқувчи онгига сингдириб борилади.

Сўз ва иборалар бойлиги ошиб, чет тилидаги озгаки ва ёзма нутқ ривожланади.

Ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси намуналарини ўрганиш, уни рус (бошқа чет тиллари) тилида ҳам тушуна олиш ва керак бўлганда бошқа миллат вакилларига хушхулқлик билан етказа олиш, ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган мустақил фикрловчи ва келажакда ривожланган давлатимизнинг асосий ўзагини ташкил этувчи шахсларни тарбиялаш биз педагогларнинг қўлида. Бундай ёшлар ўз она юртимиз фаровонлиги ва унинг гуллаб-яшнаши учун чин қалбдан интиломоғи керак, зеро Президентимиз айтганларидек: “Янги авлодни тарбиялаш - халқни тарбиялаш деганидир ва яна таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади”. Республикамизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг тақдири кадрлар тайёрлаш масаласига чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим. Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик хукмронлик қиладиган аср. Интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ўсиб келаётган авлодимиз ва миллатимиз учун кундалик ҳаёт мазмунига айлансагина жаҳон тараққиёти сари олға интилиш, ривожланиш бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана: Речь Президента Республики Узбекистана И. Каримова от 29.08. 1997. – Т.: 1998.
2. И. Каримов. Асарлар. 10 жилдлик. - Тошкент: Узбекистон, 1996. - Ж.1. - 364 б.; ж.2 - 380 б. 2003. – ж.11; 2004. – ж.12; 2005. – 13 б.
3. Закон Республики Узбекистан об образовании // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 29.08. 1997. – Т.: Узбекистан, 1997. –465 .-с.233-234
4. И.Каримов.Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент – “Ўзбекистон” – 2015. – 235 б.
5. Ожегов С.И. Словарь русского языка, 1987. Москва “Русский язык”.